

**АФОРИЗМ** — (хикматли сўз) муаллифи маълум бўлган, чуқур мазмунли, аниқ ва ихчам шаклли хикматли гап. Афоризм канчалик сиқик хажмга эга бўлса, унинг ифодалилиги, таъсирчанлиги шунчалик кучли бўлади. Ушбу хусусияти билан афоризмлар халқ мақолларига яқин туради. Халқ мақолларидан фарқли равишда афоризмларнинг муаллифи аниқ бўлади. Буюк сўз усталарининг айрим хикматли мисра, байтлари афоризмга, хатто мақолга айланиб кетган. Масалан:

Кўп демак бирла бўлмагил нодон,

Кўп емак бирла бўлмагил хайвон.

Хазрат Навоий каламига мансуб «Махбуб ул-кулуб» асаридаги ушбу байт «Огзига келганни демак нодоннинг иши, олдида кўйганни емак хайвоннинг иши» кўринишидаги халқ мақолига айланиб улгурган.

Кискаси, шаклан ихчам, образ ва фикрга бой, хис-туйғу, хулоса ва холатни аниқ, мукамал акс эттириш, кучли эмоционал ва интеллектуал таъсир кучига эга бўлиш афоризмларга хос хусусиятлардир.